

## ФОРСЧА ИЛДИЗЛИ АРАБЧА СЎЗЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аламов Шавкатжон

Самарқанд давлат чет тиллар институти,  
Яқин шарқ тиллари кафедраси ўқитувчиси.  
Тел: +998973939944

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада араб тили маркибидағи муарработ, яъни арабийлашган форсча сўзлар хусусида фикр юритилади. Араб тили ҳисобидан дунёнинг кўплаб тиллари ўз лугавий бойлигини оширган, аммо таъсир ҳар доим иккитомонлама бўлиши сабабли, араб тилининг ўзи ҳам жуда кўп сўзларини бошқа тиллардан иқтибос олган. Араб тилининг мукаммаллашуви учун биринчи навбатда форс тилининг ўрни катта ҳисобланади. Бу масалага оид бир қанча мақолалар ва илмий асарлар яратилган.

**Калим сўзлар:** Muarrab, сўз, ўзлашма, арабий, форсий, тил, ўзак, фонетика, семантика.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждается муарработ, арабизированное персидское слово в арабском языке. Многие языки мира увеличили свое лексическое богатство за счет арабского, но так как влияние всегда двоякое, то и сам арабский язык также цитировал много слов из других языков. Роль персидского языка в развитии арабского языка считается великим в первую очередь. На эту тему написано несколько статей и научных работ.

**Ключевые слова:** муарраб, слово, ассимиляция, арабский, персидский, язык, корень, фонетика, семантика.

### ABSTRACT

This article discusses muarrabot, an Arabized Persian word in Arabic. Many languages of the world have increased their lexical richness at the expense of Arabic, but since the influence is always twofold, Arabic itself has also quoted many words from other languages. The role of the Persian language in the development of the Arabic language was great in the first place. Several articles and scientific papers have been written on this topic.

**Keywords:** muarrab, word, assimilation, Arabic, Persian, language, root, phonetics, semantics.

## КИРИШ

Дунёда бошқа тиллардан сўз ўзлаштирган тил мавжуд эмас. Масалан инглиз тили ўз сўзларининг деярли 70% ни бошқа тиллардан, хусусан, роман-герман ва лотин тилларидан ўзлаштирган. Араб ва форс тиллари ҳам бир-биридан жуда кўп сўзларни ўзлаштириб олган, шунингдек фиқҳий, диний ва ҳуқуқий атамаларнинг аксарияти араб тилидан ўзлаштирилган. Аммо араб тилидаги кўплаб сўзлар ҳам форс тилидан ўзлаштирилганлиги маълум. Ҳар қандай ҳолатда таъсир иккитомонлама бўлади. Бир ҳалқнинг тили ва маданияти бошқа ҳалқлар орасига тарқатилса, унинг албатта акс таъсири ҳам бўлади. Араб ва форс тилларининг тиллар оиласига тегишилигига эътибор қаратсан, бу икки тилнинг умуман бир-бирига бегона эканлигининг гувоҳи бўламиз, аммо ҳозирги пайтда бу икки тилнинг луғавий таркибида катта ўхшашик мавжуд. Бу ўхшашик айнан икки томонлама таъсир натижасида вужудга келган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мақолада ироқлик тилшунос олим Ас-сайд Адди Шернинг “Арабийлашган форсча сўзлар” асаридан асосий манба сифатида фойдаланилди. Ушбу асар милодий 2008 йили эронлик олим Сайд Ҳамид Табибиён томонидан форсчага таржима қилинган. Асарнинг ушбу таржимаси ҳам мавзуни тадқиқ этиш учун муҳим манба сифатида хизмат қилади. Бегона сўзларнинг араб тили таркибига кириб келганлиги хусусида кўплаб илмий ишлар олиб борилган ва маълум даражада ўрганилган. Мисрлик тадқиқотчи олим Аҳмад Мухаммад ал-Ҳавфий 1960 йили араб тилидаги форсча сўзлар мавзусига оид иккита китоб ёзган. Бу китобларнинг биринчиси ١٩٦٢ (الثيارات المذهبية بين العرب و الفرس، الدار القومية للطباعة و النشر، ١٩٦٢) (Араблар ва эронликлар ўртасидаги диний жараёнлар) ва иккинчиси ١٩٦٨ (الثيارات ثقافية بين العرب و الفرس، دار نهضة مصر، ١٩٦٨) (Араблар ва форслар ўртасидаги илмий жараёнлар) деб номланади<sup>1</sup>. Ал-Ҳавфий ушбу китобларида араблар ва эронликларнинг жоҳилият даври ва ундан кейинги даврлардаги ҳар томонлама алоқаларини муфассал ёритиб берган ва араб тилидаги инсоният ҳаётининг турли тамоилларига хос бўлган соҳаларга оид форсча сўзларни тадқиқ қилган.

Кўплаб тадқиқочиларнинг холосаларига кўра, бошқа миллат вакиллари, хусусан форсларнинг ҳиссаси араб тили грамматикасини мукаммаллаштириш борасида бекиёсдир. Шуни ҳисобга олиб, ўрта асрларда машҳур бир араб саркардаси айтган: «Мен бу форслардан ҳайратдаман, зеро улар уч минг йил

<sup>1</sup> <https://ar.wikipedia.org/wiki/%D9%85%D8%B5%D8%B1>

давомида ҳукмронлик қилиб, бир лаҳза ҳам биз арабларга мўхтоҷ бўлмадилар. Лекин бизлар икки юз йил ҳукмронлик қилган бўлсак ҳам, ҳар лаҳзада уларга эҳтиёж сезардик».<sup>2</sup>

Арабистонда 7-8-асрларда бадавий, яъни сахроий бўлган араб қабилалари ҳукмронликни қўлга киритгандан сўнг, ўз ҳокимиятларини сақлаб қолиш учун фақат чўл ва сахроларда ишлатиладиган тил эмас, балки ўша даврнинг бутун соҳаларини қамраб оладиган қудратли араб тили лозим эди. Яъни араб тилини на фақат дин ва шариат арконларини тушунтиришда ишлатиладиган, балки сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, ҳамда адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда кенг ишлатилиши мумкин бўлган тилга айлантириш зарурати туғилган эди. Бу вазифанинг уddасидан чиқмаган тақдирда, араб тили тор бир доира (дин ва шариат)да ишлатиладиган тилга айланниб қолиши мумкин эди. Ва араблар ҳам бу вазифанинг уddасидан фақат бир ўзлари эмас, балки ўзга миллатлар вакиллари ёрдамида чиқдилар. Ўша таърихий даврда араб уламолари қаторида форс, ҳинд, турк, юнон ва бошқа миллат вакиллари ҳам салмоқли хиссаларини қўшдилар. Жумладан, табаррук диёrimиздан этишиб чиққан Имом Исмоил ал-Бухорий, аз-Замахшарий, Ибни Сино сингари араб тида ижод қилган алломалар бунга мисол бўла олади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Форс тили ва бошқа мусулмон халқларнинг тили таркибида мавжуд бўлган саноқсиз арабча сўзлар барчага маълум, аммо араб тили таркибидаги форсча ва бошқа тилларга оид бўлган сўзларнинг мавжудлигини аниқлаш бироз мураккаброқ. Чунки араб тили таркибига кириб борган бегона сўзлар унинг ўзига хос хусусиятлари туфайли фонетик жиҳатдан ўзгарган ва араб тилига мослашган. Шу сабабдан асли форсча бўлган қатор сўзларни арабча деб тасаввур қилишииз мумкин. Маълум бўлишича араб грамматикасини тузишда бошқа халқлар вакиллари, айниқса тилшунос олимлар фаъол қатнашдилар. Шу боис, араб тили маҳдуд ва чегараланган доирадан чиқиб ҳақиқатан ҳам қудратли бир тилга айланди. Натижада, бу жараёнда араб тилига дарё каби бегона сўзлар кира бошлади. Ушбу араб тили таркибидаги бегона сўзларнинг асосий қисмини форсча сўзлар ташкил этади.

Бу масала кўплаб тадқиқотчилар дикқатини ўзига тортган. Жумладан “Араблашган форсча сўзлар” (اللّفاظُ الْمَعْرِبُ بِهِ الْفَارَسِيَّةِ) китоби муаллифи Ас-Сайд

<sup>2</sup> Foziljon Shukurov, Kubaro Mamadaliyeva., Arablashtirilgan So’zlar – Inglizcha so’zlar misolida. XIX Міжнародна науково-практична інтернет-конференция, 30-31 сінчя 2014 р. сЕКЦІЯ: ФІЛОЛОГІЧНІ НАУКИ с 255-261.

Аддий Шер ўз китобида араб тилига форс тилидан кириб келган сўзларни тадқиқ қилган ва ҳар бир сўз бўйича юзага келган ўзгаришларини кўриб чиққан. Сўзларнинг замон талабларига мувофиқ турлича ишлатилиши ва турли тиллардаги ҳолатларини ҳам мукаммал тушунтириб бериб сўзларнинг этимологиясига алоҳида эътибор қаратган. Муаллиф ҳар бир алоҳида сўз ҳақида гапирадиган кўп ўринларда унинг туркий, курд, юнон, инглиз, француз, арман, оромий каби бошқа тиллардаги оиласвий эквивалентларини эслатиб ўтади, шунингдек, ўз даври тилшуносларининг фикрларини ҳам ўз ўрнида келтиради. Ушбу китобни форс тилига ҳам таржима қилинган. Мазкур таржима эса тилшунос олимларга, айниқса, ушбу соҳа талабаларига унинг муаллифи Ас-Сайид Аддий Шернинг қарашлари тўғрилигини тадқиқ этиш ва ўргатиш учун кўпроқ имконият яратади.

Форс ўзагидан бўлган арабча сўзлар араб тили ва адабиётида қўлланиладиган, аммо форс илдизларига эга сўзлар ҳисобланади. Арабча илдизга эга бўлмаган ҳар қандай сўз муарработ ёки таъриб деб аталади. Араб тилида форс илдизли ўзгартирилган сон-саноқсиз сўзлар мавжуд. Буларни бир нечта турга бўлиб мисол тариқасига кўрсатишими мумкин. Масалан, Г՝, ч՝, п՝, ж՝ ҳарфларининг тушиб қолиши натижасида ўзгарган сўзлар: Чагандар (چندر)-Шамандар (شمندر), Гургон (گرگان)-Журжон (جرجان), Порс (پارس)-Форс (فارس). Ёки “т” ҳарфи ишлатиладиган қатор сўзларда т ҳарфи ўрнига ՚ ишлатилади. Масалан “Тошканд” ёки “Тожикистон” сўзларида бу ҳолатни кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида “т” товуш араб фонетикасига мостлаштирилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоики, арабийлашган форсий сўзларнинг барчаси ҳам шакл ва маъно жиҳатидан бузилмайди. Араб тилида форс тилидан кирган кўплаб сўзларни ҳам бузилмаган, ҳам бузилган форматда ўзлаштирилган. Хорижий сўзлар араб тилида кўлланилганда бутунлай бузилиб кетар экан, уларнинг илдизи номаълум ва изланиб бўлмайди. Араб шеърияти исломгача бўлган даврда фасоҳат ва равонлик чўққиларига қўтарилилган эди. Бу жоҳилият даври шоирлари араб маданияти ва араб тили жумбоқларини кейинги изланишлар билан еча оладиган шеърлар яратдилар. Жаҳолат асрида илм-фан ривожи учун катта аҳамиятга эга бўлган шеърий тартиб унсурлари мавжуд. Бу унсурлар форс тилида пайдо бўлган ва турли сабабларга кўра араб тили ва маданиятига жамланган. Жоҳилият даври шоирлари шеъриятида кўплаб форсча сўзлар борки, уларни ярим орол араб тилида сўзлашувчилар форс тилидаги асл маъноси билан ишлатганлар.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, араб тили ҳам дунёдаги барча тиллар сингари, ўзининг узоқ тараққиёти давомида бошқа тиллар ҳисобидан ўз лексик хазинасини бойитиб келган. Машхур араб тилшунос олимларининг тадқиқотлари натижасида маълум бўлишича, айниқса форс тилининг исломгача бўлган даврда араб тилига катта таъсир кўрсатган. Бунинг натижасида араб тилига таркиб жиҳатидан жиддий ўзгаришларга дуч келган сўзлар қабул қилинган. Араб тилида мавжуд бўлган бу жараённинг тадқиқ этилиши бугунги тилшунослик соҳасида долзарб масала ҳисобланади.

## REFERENCES

1. لآفاظ الفارسية المعرفة قاهره. ۱۹۸۸.
2. السيد ادی شیر. واژه های فارسی عربی شده. ص. ۱۰.
3. التّيارات ثقافية بين العرب و الفُرس، دار نهضة مصر، ۱۹۶۸
4. Шавкат Раҳматуллоев. Ўзбек тилининг этимологик луғати I жилд , 2000, Тошкент, “Университет”.
5. Шавкат Раҳматуллоев. Ўзбек тилининг этимологик луғати II жилд, 2003 Тошкент, “Университет”.
6. Шавкат Раҳматуллоев. Ўзбек тилининг этимологик луғати III жилд , 2009 Тошкент, “Университет”.
7. <https://ar.wikipedia.org/wiki/%D9%85%D8%B5%D8%B1>